

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2020 йил “___” январдаги
___ - сонли бўйруғига 2-илова

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги
Илмий-техник кенгаш тўғрисидаги
НИЗОМ**

I-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Узбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг (кейинги ўринларда - Илмий-техник кенгаш деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Илмий-техник кенгаш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда - вазирлик деб юритилади) ваколагига кирувчи вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, илмий - техник муаммолар, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини кўриб чикиш, хулоса бериш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этилишининг назоратини мувофикалаштирувчи орган ҳисобланади.

3. Илмий-техник кенгаш ўз фаолиятида Узбекистон Республикаси Конституциясига, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига, Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруқлари ва кўрсатмаларига ҳамда ушбу Низомга ва бошқа конун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Илмий-техник кенгаш вазирлик, унинг ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмалари, республиканинг тегишли вазирлик, идора, илмий-тадқиқот институтлари ва бирлашмалари мутахассислари таркибидан ташкил этилади. Илмий-техник кенгаш Низоми ва унинг таркибини тасдиқлаш ҳамда ўзгартишлар киритиш Фавқулодда вазиятлар вазири буйруғи билан амалга оширилади.

5. Вазирлик тизимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари якунлари Илмий-техник кенгаш муҳокамасига киритилади ва амалиётга татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилади.

6. Илмий-техник кенгаш кун тартибидаги долзарб масалалар Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда - Идоралараро кенгаш деб юритилади) муҳокамасига киритилади.

7. Илмий-техник кенгаш қарори вазирлик Марказий аппарати бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва хизматлари ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмалари томонидан ижро учун мажбурий ҳисобланади.

II-боб. Илмий-техник кенгашинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Илмий-техник кенгаш ўз фаолиятида қуидаги вазифаларни амалга оширади:

вазирликнинг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларнинг профилактикасини амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда республика аҳолиси ва худудларини муҳофаза қилишга қаратилган мақсадли илмий-техник ва тажриба - конструкторлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятларда иктиносидиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш соҳасидаги мақсадли илмий-техник дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлашириш;

аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган илмий-тадқиқот ишлари, тажриба - конструкторлик ишланмалари лойихаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, қайта ишлаш ва амалиётга татбиқ этишни мувофиқлашириш.

9. Илмий-техник кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қуидаги асосий функцияларни бажаради:

вазирлик фаолиятини такомиллаширишга қаратилган, илмий асосланган концептуал ва стратегик ҳужжатлар лойихаларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

вазирлик тизимида соҳага оид мавжуд муаммоли масалаларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишида кўмаклашиш;

тажриба-конструкторлик ишланмаларини, замонавий техника, қидиув - қуткарув асбоб-анжомларини қўллаш бўйича синов натижалари ва лаборатория текшируви хulosалари асосида амалиётда қўллаш, ишлаб чиқариш, сотиб олиш ҳамда баҳолаш масалалари бўйича хulosалар тайёрлаш;

аниқ мақсадли йўналишдаги илмий изланишлар бўйича бажарилган ҳисботларни муҳокама қилиш, тугалланган ишлар, шу жумладан, фуқаро муҳофazasi йўналишида бажарилган ишларга хulosалар ҳамда уларни татбиқ этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш;

вазирлик ваколати доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини экспертизадан ўтказиш, улардан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosалар тайёрлаш;

аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофazaga қилиш бўйича устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотларни кўриб чиқиб, Идоралараро кенгашга белгиланган тартибда тавсияларни тайёрлаш ҳамда тақдим этиш;

илмий ишларни ривожлантириш бўйича анжуманлар, семинарлар, кўргазмалар ва бошқа илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

аҳоли ва худудларни муҳофazaga қилиш соҳасида амалга оширилаётган илмий ишлар, уларнинг натижадорлиги ҳамда хорижий давлатларнинг илфор

тажрибаси бўйича маълумотлар базасини яратиш, янгилаш бориш ва илмий ишлар тўпламлари нашр этилишини ташкил қилиши;

вазирлик фаолиятида илмий ишларни ривожлантириш бўйича норматив - хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

вазирлик ваколати доирасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, ўқув-услубий ишлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва эксперт хулосаларини бериш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ва экспериментал ишланмалар натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик раҳбарияти ва Идораларо кенгашга тақдим этиш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши мониторингини юритиш.

III-боб. Илмий-техник кенгашнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

10. Илмий-техник кенгаш қўйидаги хуқукларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазирlikning ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмаларидан, вазирлик ва идоралар ва бошқа ташкилотлардан маълумот сўраб олиш;

вазирlikning ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмалари томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ҳолати билан танишиш ва уларга баҳо бериш;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

истикболсиз ва долзарб эмас деб баҳолангандан, сифатсиз, тўлақонли яқунига етказилмаган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини тўхтатиш ва қайта ишлаш учун муаллифга қайтариш;

илмий ишларнинг ҳолатини ўрганиш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гурухлар ташкил этиш, шунингдек, ушбу комиссия ва гурухлар фаолиятига тегишли мутахассисларни жалб қилиш;

илмий ишларни ривожлантиришда фаол иштирок этган вазирлик ходимларини рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиш.

Кенгаш конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Илмий-техник кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун масъулдир.

IV-боб. Илмий-техник кенгаш фаолиятини ташкил этиш

12. Илмий-техник кенгашнинг раис, раис ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркиби Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан тасдиқланади.

13. Илмий-техник кенгаш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмаларининг илмий-тадқиқот, тажриба - конструкторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, назарий ҳамда амалий тажрибага эга бўлган мутахассис ходимлар таркибидан шакллантирилади.

14. Илмий-техник кенгаш фаолият заруриятидан келиб чиқан ҳолда, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини кўриб чиқиш учун бошқа вазирлик ва идоралар мутахассисларини жалб этиши мумкин.

15. Илмий-техник кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруратга кўра, аммо ҳар йилда камидаги икки марта ўтказади.

16. Вазирлик ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмалар бошликлари (командирлари) Илмий-техник кенгаш ва унинг аъзолари фаолияти учун зарурий ҳамда қулай шарт-шароит яратиш учун масъулдир.

17. Илмий-техник кенгаш раиси:

Илмий-техник кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қиласди;

Илмий-техник кенгаш раиси ўринбосари ва аъзолари ўргасида вазифаларни тақсимлайди;

Илмий-техник кенгаш мажлисларини чақиради ва уларга раислик қиласди;

Илмий-техник кенгаш мажлислари кун тартибини тасдиқлайди;

Илмий-техник кенгаш иш режаларини тасдиқлайди.

Илмий-техник кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

18. Илмий-техник кенгаш аъзоси кун тартибидаги масалаларни муҳокама килиш, ҳар бир муҳокама килинаётган масалага ёзма фикр бериш, Илмий-техник кенгаш иш режасини тузишда қатнашиш, Илмий-техник кенгаш йиғилишини тайёрлаш, хужжатлар билан яқиндан танишиш, ўз фикр-мулоҳазаларини киритиш, Илмий-техник кенгаш ишида овоз бериш хуқуқидан фойдаланиш, Илмий-техник кенгаш таркибининг ҳар бир аъзоси алоҳида ёки гурух бўлиб Кенгаш ваколати доирасидаги масалалар бўйича лойиҳаларни муҳокамага киритиш хуқуқига эга.

19. Илмий-техник кенгаш ишчи органи функциясини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фан, инновацион ривожланиш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими (кейинги ўринларда - Ишчи орган деб юритилади) бажаради.

20. Ишчи орган:

Илмий-техник кенгашнинг иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади;

тасдиқланган иш режасига мувофиқ Илмий-техник кенгашнинг фаолиятини ташкил этади;

Илмий-техник кенгаш мажлислари кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича материалларнинг тайёрланишини ташкил қиласди;

Илмий-техник кенгашнинг ваколати доирасига киравчи масалалар юзасидан қарорлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Илмий-техник кенгаш қарорларининг ижроси юзасидан назорат ва мониторингни ташкил қиласди, натижалари бўйича Илмий-техник кенгаш раисига ахборот бериб боради ҳамда таҳлилий ва бошқа материалларни навбатдаги мажлисда кўриб чиқиш учун тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Ишчи орган қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

21. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фан, инновацион ривожланиш ва ўқитишни ташкил этиш бўлими катта офицери - Илмий-техник кенгаш котиби ҳисобланади.

22. Илмий-техник кенгаш котиби:

Илмий-техник кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

барча зарур хужжатларнинг навбатдаги мажлисга тўпланиши, умумлаштирилиши ва Илмий-техник кенгаш раисига тақдим этилишини таъминлайди;

Илмий-техник кенгаш раиси билан мажлиснинг ўтказиш муддати ва жойини ҳамда таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади;

Илмий-техник кенгаш аъзоларига ва таклиф этилганларга мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи, кун тартибидаги масалалар тўғрисида ёзма хабарномани йигилишдан камида уч кун аввал юборади;

Илмий-техник кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни унинг аъзоларига ва иштирокчиларга юборади.

23. Илмий-техник кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради.
Илмий-техник кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Илмий-техник кенгаш мажлиси унда аъзоларнинг камида учдан икки кисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Зарур миқдордаги аъзолар йиғилмаган ҳолатларда Илмий-техник кенгаш мажлиси бошқа муддатга колдирилади.

24. Илмий-техник кенгаш қарорлари унинг мажлисида иштирок этган аъзоларининг тўғридан-тўғри кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Илмий-техник кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

25. Илмий-техник кенгаш қарорлари мажлисда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ва Илмий-техник кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Илмий-техник кенгаш аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

26. Вазирлик ҳудудий бошқарма ва таркибий тузилмалари соҳага оид илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти бўйича ҳар йил якунида хисобот тайёрлайди ва Илмий-техник кенгашга тақдим этади.

27. Илмий-техник кенгашнинг иш режалари, унинг аъзоларидан келиб тушган таклифлар асосида бир йил учун тузилади ва мажлисида кўриб чиқилиб, Илмий-техник кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

V-боб. Якунловчи коидалар

28. Илмий-техник кенгаш фаолиятини қайтадан ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш Фавқулодда вазиятлар вазириининг буйруғи асосида амалга оширилади.